

Legislative practices on criminal law protection of minors' rights in Asian countries

Nilufar ASHUROVA¹

University of Public Safety of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received February 2025
Received in revised form
15 February 2025
Accepted 15 March 2025
Available online
25 April 2025

Keywords:

crime,
code,
legal protection,
norm,
minors,
children,
criminal punishment,
offense,
deprivation of liberty.

ABSTRACT

The article analyzes the legislative system for the criminal legal protection of the rights of minors in a number of developed countries in the Asian region.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss2-pp185-191>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Осиё давлатларида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини жиноий-ҳуқуқий ҳимоя қилишга доир қонунчилик амалиёти

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

жиноят,
кодекс,
ҳуқуқий ҳимоя,
норма,
вояга етмаганлар,
болалар,
жиноий жазо,
ҳуқуқбузарлик,
озодликдан маҳрум
қилиш.

Мақолада Осиё минтақасининг бир қатор ривожланган давлатларида вояга етмаганларнинг ҳуқуқларини жиноий-ҳуқуқий ҳимоя қилишга доир қонунчилик тизими таҳлил қилинган.

¹ PhD, Associate Professor, University of Public Safety of the Republic of Uzbekistan.

Законодательная практика по уголовно-правовой защите прав несовершеннолетних в странах Азии

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

преступление,
кодекс,
правовая защита,
норма,
несовершеннолетние,
дети,
уголовное наказание,
правонарушение,
лишение свободы.

В статье анализируется законодательная система уголовно-правовой защиты прав несовершеннолетних в ряде развитых стран Азиатского региона.

Вояга етмаганларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини жиноий-ҳуқуқий муҳофаза қилиш ҳар бир давлат ижтимоий сиёсатининг муҳим йўналишларидан бири ҳисобланади. Шарқ давлатларида бу соҳада турли ҳуқуқий механизмлар ва институтлар ишлаб чиқилган бўлиб, улар миллий анъаналар, дин, маданият ва халқаро стандартларга асосланган.

Хусусан, *Хитой Халқ Республикаси* Жиноят кодексида вояга етмаганларга қарши жиноят таркиблари кодекснинг турли бобларига тарқалган. Вояга етмаганларга нисбатан жиноят содир этиш айрим жиноят таркибларининг квалификацияланган шаклини ташкил этади, уларнинг юқори хавфлилиги жазо чоралари, шу жумладан, ўлим жазоси билан ифодаланади. Шунинг таъкидлаш лозимки, Хитой Жиноят кодексида айрим жиноятлар бўйича жабрланувчининг ёши бўйича чегаралар ўтказилмаган. Масалан, Хитой Жиноят кодексининг 295-моддасига мувофиқ, “жиноий фаолият усуллари ўргатиш” ҳаракатлари оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжудлиги ва уларнинг хусусиятига қараб, 5 йилдан бошлаб озодликдан маҳрум қилишдан ўлим жазосигача бўлган санкцияларни назарда тутди [1].

Умуман олганда, Хитой Жиноят кодекси вояга етмаганларга қарши жиноятларга нисбатан қаттиқлик ва жазо чораларининг кенг диапазони билан ажралиб туради. Жазо чоралари қисқа муддатли ҳибсдан тортиб ўлим жазосигача қамраб олади. Бу нормалар Хитойнинг вояга етмаганларни ҳимоя қилишга қаратилган қатъий сиёсатини ва жиноятларга нисбатан мутаассиб ёндашувини кўрсатади. Хитой Халқ Республикаси (ХХР) жиноят қонунчилигида 14 ёшга тўлмаган шахсга нисбатан фаҳш ҳаракатлар ёки зўрлаш учун жазо сифатида 10 йилдан бошлаб озодликдан маҳрум қилиш, умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси кўзда тутилган [2].

Профессор Арон Вонгнинг фикрича, жиноий жавобгарлик ёшини 12 ёшга тушириш бўйича Хитой Жиноят кодексидаги сўнгги ўзгаришлар фонида уларни танқидий кўриб чиқиб, бундай ўзгаришларнинг асослантирилиши ва болаларнинг ривожланиш психологиясига таъсирини қайта муҳокама қилиш лозим. Негаки, болаларнинг мияси ва руҳий ривожланиши ҳали тўлиқ шаклланмаганлиги сабабли, уларнинг жиноий жавобгарликка тортилиши масаласида эҳтиёткорлик талаб этилади.[3] Биз эса, ушбу мулоҳазага қўшилиш мумкин деб ҳисоблаймиз. Чунки, болаларнинг руҳий ва неврологик ривожланиши ҳали тўлиқ яқунланмаганлиги сабабли, уларнинг қилмишларига бўлган ёндашувда

эҳтиёткорлик зарур. Бундан ташқари, замановий неврология ва ривожланиш психологияси бўйича кўплаб тадқиқотлар болалар ва ўсмирларда импульсивлик юқорилигини, таҳлил ва оқибатларни баҳолаш қобилияти эса, етарлича шаклланмаганлигини фанда аллақачон исботлаб берган.

Шу жумладан ХХРнинг жинсий зўравонликларга оид жиноий нормаларида, жинсий етуклик ёшига етмаган шахсга нисбатан қилинган ҳаракатлар, қариндошлик ёки хизмат бўйича тобелик муносабатлари асосида содир этилган бўлса, алоҳида жиноят таркиби сифатида белгиланади. Бундай ҳаракатлар учун жазо чоралари 20 йилгача озодликдан маҳрум қилиш ёки ўлим жазоси бўлиши мумкин.[4] Ушбу нормалар ХХР ва бошқа қатор давлатларда вояга етмаганларнинг жисмоний ва жинсий дахлсизлигини ҳимоя қилишни кучайтириш ва ушбу тоифа шахсларга нисбатан содир этиладиган жиноятларга нисбатан қаттиқ чоратадбирлар қўллашга қаратилган. Хитой Халқ Республикаси (ХХР) Жиноят кодексида оила аъзоларига нисбатан шафқатсиз муносабатда бўлиш учун жавобгарликни белгилловчи махсус норма сифатида 260-модда кўзда тутилган.

Исроил давлатининг қонунчилигида ҳам вояга етмаганларга қарши жиноятлар учун жавобгарлик алоҳида йўналишни касб этиб, қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. Жумладан, *Исроилда* вояга етмаганларга қарши жиноятлар жуда жиддий қабул қилинади ва бу борадаги қонунчилик базаси болаларни ҳимоя қилиш ва ҳуқуқбузарларнинг жавобгарлигини таъминлаш учун тузилган. Давлат жиноий жазолар, мажбурий ҳисобот қонунлари ва ота-оналарнинг мажбуриятлари орқали бир неча ҳимоя қатламларини таъминлайди, буларнинг барчаси вояга етмаганларга нисбатан ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жазолаш учун биргаликда ишлайди.

1977 йилги *Исроилнинг* Жиноят ҳуқуқи тўғрисидаги қонунига [5] мувофиқ, жабрланувчининг вояга етмаган ёши кўплаб жиноятлар учун квалификацияловчи белги сифатида тан олинади. Шунингдек, айрим жиноят таркиблари фақат вояга етмаган шахсларнинг махсус жабрланувчи сифатида иштирок этиши билан боғлиқ. Масалан, *Исроил* жиноят кодексига кўра, аёл киши туғилганига 12 ойдан ошмаган боласини руҳий ҳолатининг бузилиши сабабли (туғруқ) қасддан ўлдирса, у 5 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосига тортилади. Бу ҳолат, ҳатто, ўлдириш ҳаракатлари қасддан содир этилган бўлса ҳам, модда боланинг ўлими учун енгилроқ жазо назарда тутати, чунки айбдор шахснинг руҳий ҳолати инobatга олинади. Суд аёлнинг ҳаракатларини оддий қотиллик сифатида жиноят кодексининг 298-моддасига биноан умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёки қасддан қилинган қотиллик деб баҳолаб, 300-моддага кўра умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёки суд томонидан айбдор шахсни ақлдан озган ёки руҳий нуқсонли бор деб топиб, уни жиноий жавобгарликдан озод қилиши мумкин [6].

Бундан ташқари, *Исроилда* жиноят Қонунчилиги бўйича вояга етмаганга катта зарар етказадиган ҳар қандай ҳужум беш йилгача озодликдан маҳрум қилишга олиб келиши мумкин, аммо жиноят бола учун масъул шахслар, масалан ота-она ёки васий томонидан содир этилган бўлса жазо муддати тўққиз йилгача оширилиши мумкин. Худди шундай, жисмоний, руҳий ёки жинсий зўравонлик ҳаракатлари оғир жазоларни ўз ичига олиб, масъул шахслар томонидан содир этилганда етти йилдан тўққиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади [7].

Тўғридан-тўғри жиноий жазолардан ташқари, Исроил қонунчилигида вояга етмаганларни эътиборсиз қолдириш ва ташлаб кетиш ҳам жиноят ҳисобланади. Масалан, олти ёшгача бўлган болани тегишли назоратсиз қолдириш, айниқса уларнинг ҳаёти ёки соғлиғига хавф туғдирадиган ҳолатларда, уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади. Агар ташлаб кетиш қасддан қилинган бўлса, жазо беш йилгача кўпайиши мумкин. Бундан ташқари, боланинг зарур эҳтиёжларини, шу жумладан озиқ-овқат, бошпана ва тиббий ёрдамни таъминлай олмаган ота-оналар ёки васийлар уч йилгача озодликдан маҳрум этилиши мумкин.[8] Ушбу қонунлар давлатнинг болаларни нафақат фаол зарарлардан ҳимоя қилиш, балки уларнинг фаровонлиги учун зарур бўлган ғамхўрликни таъминлашга содиқлигини таъкидлайди.

Исроилда болаларни ҳимоя қилишнинг яна бир муҳим жиҳати – вояга етмаганларга қарши ҳуқуқбузарликлар тўғрисида мажбурий ҳисобот бериш талабидир. Исроил қонунчилигига кўра, вояга етмаганга қарши жиноят содир этилган деб ишониш учун асосли асосларга эга бўлган ҳар қандай шахс бу ҳақда полиция ходимига хабар бериши керак.[9] Ушбу қонуний мажбурият болаларга нисбатан зўравонлик ёки бепарволик ҳолатлари еътибордан четда қолмаслиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш ва болаларни ҳимоя қилиш идоралари имкон қадар ерта аралашиши учун ҳимоя вазифасини ўтайди.

Сингапур қонунчилигида ёшларга нисбатан жиноятларнинг олдини олиш ва уларни ҳимоя қилиш мақсадида бир қатор қонунлар ва

чора-тадбирлар ишлаб чиқилган. Бу қонунлар ёшларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, жиноятчиларни жазолаш ва ёшларга нисбатан содир этилган жиноятларга қарши курашишга йўналтирилган. Сингапур Жиноят Кодексининг 375 ва 377 моддаларига кўра,[10] ёшларга нисбатан содир этилган жиноятлар (шу жумладан, зўравонлик ва жинсий зўравонлик) учун кескин жазолар белгиланган. Зўравонлик ёки болаларга нисбатан жинсий ҳужум учун аниқ жазо муддатлари белгиланган, ва бундай жиноятлар учун жазо муддати кўп ҳолларда 10 йилгача қамоққа олишни ўз ичига олади.

Мамлакат қонунчилигига кўра, профессионаллар (шунга ўхшаш шифокорлар, ўқитувчилар ва ижтимоий ишчилар) болаларга нисбатан содир этилган зўравонликни ёки бошқа жиноятларни мажбурий равишда хабар беришлари керак. Бу қоида *Singapurdagi* болаларни ҳимоя қилиш тизимидаги муҳим элементлардан бири ҳисобланади [11].

Шу билан бирга, Сингапурда болаларни ҳимоя қилиш бўйича бир қатор миллий дастурлар ва ташкилий тадбирлар мавжуд. Масалан, Сингапурда болаларнинг жинсий ва психологиявий саломатлигини муҳофаза қилишга қаратилган махсус дастурлар, болаларга ёшлар ёки мутахассислар томонидан молиявий ёрдам ва психологик ёрдам кўрсатиладиган марказлар мавжуд. Бу дастурлар болаларни зўравонлик ва ёмон муносабатлардан муҳофаза қилиш, жиноят содир этилган болаларга қайта жамиятга жойлашишда ёрдам бериш мақсадида ишлайди [12].

Жанубий Кореяда болаларни зўравонликдан ҳимоя қилиш учун қонунчилик шаклланган ва бу жуда катта аҳамиятга эга. Давлат болаларнинг ҳуқуқларини таъминлаш, уларни зўравонликдан муҳофаза қилиш ва уларга нисбатан содир этилган ҳар қандай жиноятга қарши қатъий чоралар кўришга йўналтирилган қатор қонунлар ва ҳуқуқий механизмларни жорий қилган. Бу борада вояга

етмаганларни (болаларни) ҳимоя қилишга йўналтирилган қонунлардан энг муҳими Болаларнинг ҳимояси тўғрисидаги қонун (The Child Protection Act)[13] ҳисобланади. Бу қонун болаларни зўравонликдан, жинсий истибдоддан ва ижтимоий хавф-хатарлардан ҳимоя қилишга қаратилган. Мазкур қонун болаларга нисбатан зўравонликни содир этган шахсларнинг жавобгарлигини белгилайди.

Қонунга кўра, агар бола зўравонликка учраса, давлат дарҳол уларни ҳимоя қилиш ва олдиндан тегишли чоралар кўриш билан банд бўлади. Бу қонун, шунингдек, болаларга нисбатан ишлатилган зўравонликни аниқлаш ва ушбу ҳолатда айбдор бўлган шахсларни жазолаш учун махсус мутахассислар ва ҳокимиятларга таъсир ўтказди. Ҳужжат 15-моддасининг 3-6-бандларга мувофиқ ҳимоя чораларини кўришда, ҳимоя қилиниши керак бўлган тегишли боланинг фикрини ҳурмат қилиши ва унинг ҳимоячиси бўлса, унинг ҳимоячисининг фикрини эшитиши керак. Жумладан, болаларга нисбатан зўравонлик жиноятлари бўйича жазонинг алоҳида ҳолатлари тўғрисидаги қонуннинг 2-моддаси 5-бандига кўра,[14] боланинг ҳимоячисига зўравонлик қилинган тақдирда ҳам бола билан бир хилдаги ҳимоя чоралари қўлланилади.

Ушбу давлатнинг жиноят қонунчилигида болаларга нисбатан содир этилган зўравонлик учун қаттиқ жазо белгиланган. Бу жазолар қонунга кўра, камчиликлар ёки муаммоларни аниқлаш ва уларга қарши курашиш учун максимал даражада зарур бўлган тадбирлардандир. Жанубий Корея Жиноят кодексининг 305-моддасига кўра, болаларга жинсий зўравонлик қилиш (масалан, болаларга нисбатан жинсий ҳужумлар) учун, агар бир шахс болага жинсий зўравонлик қилса, жиноят кодексига кўра, ушбу иш учун қатъий қамоқ жазоси ёки 15 йилгача озодликдан маҳрум этиш тақиқланади [15].

Болаларга нисбатан жисмоний зўравонлик учун, масалан уни қасддан ёки жазолаш мақсадида урилса, айбдор шахсга жиноят кодекси бўйича ёш болага нисбатан зўравонлик қилгани учун қўлланиладиган қамоқ жазоси ёки бошқа турдаги жазо белгиланган бўлиб, бу жазо муддати вазиятга ва зарарнинг оғирлигига кўра ўзгариши мумкин [16]. Қолаверса, мамлакатда болаларга қарши зўравонликка учраган ёки хавфли вазиятда бўлган болалар учун махсус ҳимоя марказлари мавжуд. Бу марказлар болаларга тиббий, психологик ва ҳуқуқий ёрдам кўрсатишни ўз ичига олади. Демак айтиш мумкинки, Жанубий Кореяда болаларга нисбатан содир этилган зўравонлик учун жазо тизими жуда қатъий бўлиб, жазолар асосан жинсий зўравонлик, жисмоний зўравонлик ва психологиявий зўравонлик каби турли хил зўравонликлар учун белгиланганлигини кўришимиз мумкин.

Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) жиноят қонунчилигида вояга етмаганларга нисбатан содир этилган зўравонликлар учун жиноий жазолар белгиланган. Ушбу давлатда болаларнинг ҳуқуқлари ҳимоя қилинишига жиддий эътибор берилган бўлиб, жиноят кодексида болаларга нисбатан жинсий, жисмоний ва психологиявий зўравонликни содир этган айбдорларга жавобгарликнинг аниқ ва қатъий чоралари кўйрилиши баён этилган.

Мазкур давлатда вояга етмаганларга жинсий зўравонлик қилиш қўлланиладиган жазо жуда оғир. Жиноят кодексининг 22-моддасига кўра, болалар ёки қуллар савдоси жиноятларини ёки халқаро қароқчилик ва терроризм ёки жиноий даромадларни легаллаштириш жиноятларини содир этганда айбдор ёки шерик сифатида ушбу давлатда бўлган ҳар қандай шахсга нисбатан қўлланилади

[17] Агар кимдир вояга етмаганга жинсий зўравонлик қилса, ушбу ҳаракат учун умрбож муддатга қамоқ жазоси белгиланиши мумкин. Кодекснинг 401-моддасида эса, шахсан ёки воситачи орқали аҳоли гавжум ҳудудда 7 ёшга тўлмаган болани хавф остига қўйган ҳар бир киши қамоққа олиш ёки 10 000 дирхамдан ошмайдиган жиноий жаримага тортилади.

Хусусан, вояга етмаган боласини ёки набирасини шахсан ёки воситачи орқали, ҳатто алдамасдан ёки мажбурлашсиз ўғирлаган ёки вояга етмаган болани ўз васийлигида ёки қарамоғида бўлиш ҳуқуқига эга бўлган шахсга қайтаришдан ёки топширишдан бош тортган ота-она ёки бобо ва бувига нисбатан суднинг якуний қарори ёки суд қарори билан қамоқ жазоси ёки жиноий жарима жазоси Кодекснинг 380-моддасига асосан тайинланади [18]. Умуман олганда, ушбу турдаги жиноятлар учун Жазолар қамоқ, жамоат хизмати, маъмурий чоралар ва реабилитация шаклида бўлиши мумкин. Болаларга нисбатан жинсий, жисмоний, психологиявий зўравонлик ёки ёрдам беришдан бош тортилган ҳолатларда жиноят кодексида жиддий жазо қўлланилади.

Осиё қитъасининг юқорида келтириб ўтилган давлатлари қонунчилигини таҳлил қилар эканмиз, ҳар бир давлат вояга етмаганларни (болаларни) ҳимоя қилиш учун ўз жиноят кодексларида турли жазо чораларини белгилаганлигини кўришимиз мумкин. Аммо, бизнингча бу жазоларнинг самарадорлиги ва кескинлиги қайта таҳлил қилиниши мақсадга мувофиқ. Масалан, жиноятни содир этиш механизмига кўра, БААда жинсий зўравонлик учун ўлим жазоси ҳам қўлланилиши мумкин. Хитойда эса, жинсий жиноятлар учун умрбод қамоқ жазоси белгиланган. Шунингдек, Сингапур, БАА ва Исроилда жазолар қатъий тус олган бўлсада, баъзи ҳолларда енгилроқ санкциялар мавжудлиги амалдаги қонунчиликда учради. Бизнингча, ҳар бир мамлакатдаги тегишли жазоларнинг зўравонлик даражасига мутаносиблиги ва самарадорлиги мамлакатдаги ҳуқуқий тизим ва барча шахслар амал қилувчи айрим ижтимоий категориялар билан боғлиқ.

Умумий хулоса қилганда, Осиёнинг ривожланган кўплаб давлатлари жиноий қонунчилик ҳужжатларида вояга етмаганларнинг ҳуқуқий муҳофазасини айрим халқаро стандартлар, шунингдек миллий ва диний анъаналар билан уйғунлаштирилган ҳолда амалга оширган. Бу давлатларда жиноий-ҳуқуқий тизим бир томондан инсонпарварлик тамойилларига асосланган бўлса, иккинчи томондан махсус тарбиявий чораларнинг жиноий жазолар билан уйғун тарзда қўлланилишига кўпроқ устуворлик берилади. Бу эса, ушбу мамлакатларнинг ҳуқуқий маданияти ва қонунчилик анъаналарини ҳисобга олган ҳолда, вояга етмаганлар манфаатларини жиноий-ҳуқуқий ҳимоя қилишнинг узлуксизлигини таъминлашда пойдевор вазифасини бажаради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати :

1. Уголовный Кодекс Китайской Народной Республики. отв. ред. Р.М.Асланов. СПб.: Юридический центр Пресс, 2001.
2. Уголовный кодекс Китайской Народной Республики. Принят на 5-й сессии Всекитайского собрания народных представителей шестого созыва 14 марта 1997 г. Ст. 236. Уголовный кодекс Китайской Народной Республики // под ред. д-ра юрид. наук, проф. А.И.Коробеева; пер. с китайского Д.В.Вичкова. СПб.: Юридический центр Пресс, 2001. С. 161-162.

3. Can lowering the minimum age of criminal responsibility be justified? A critical review of China's recent amendment. "The Howard Journal of Crime and Justice". 25 September 2023 // <https://doi.org/10.1111/hojo.12543>
4. Цветкова Е.В. К вопросу о действии уголовно-процессуального закона во времени // Современное право. 2018. № 10. С. 106.
5. Закон об уголовном праве Израиля 1977 г. Тель-Авив, 2010.
6. Israel: Law No. 626/1996, Penal Law. Preliminary Part. Legality of Punishment // <https://main.knesset.gov.il>
7. Exposing pedophilia and legal failures in Israel. October 22, 2024 // <https://www.humanium.org>
8. The Israeli Judicial Authority. A Minor Who Committed an Offense. 15.02.2023 // <https://www.refworld.org>
9. Implementation of the optional protocol to the convention on the rights of the child on the sale of children, child prostitution and child pornography. 2012, Articles 1-3. Duty to Report, 39, (1), (2), (3), (4), (5) // <https://www.gov.il>
10. A Singapore Government Agency Website. Penal Code 1871 // <https://sso.agc.gov.sg/act/pc1871>
11. Legal Profession Act. Legal Profession (Mandatory Reporting of Specified Pro Bono Services) Rules. 27 February 2015.
12. Protecting Children in Singapore. Rehabilitation and Protection Division Ministry of Community Development, Youth and Sports October 2005. The child protection system in Singapore, Page 6.
13. Law Viewer. Child welfare act. Article 15. Act No. 12361, Jan. 28, 2014 // <https://elaw.klri.re.kr>
14. Act on special cases concerning the punishment of child abuse crimes. Special provisions on punishment of child abuse crimes. Articles 4-7 // <https://elaw.klri.re.kr>
15. Criminal act. Act No. 11731, Apr. 5, 2013. Article 305 // <https://elaw.klri.re.kr>
16. South Korean Criminal act. Chapter xxv crimes of inflicting bodily injury and violence/ Article 257/ Act No. 11731, Apr. 5, 2013
17. مرسوم بقانون اتحادي بإصدار قانون الجرائم والعقوبات. 26 سبتمبر 2021. مرسوم بقانون اتحادي رقم (31) لسنة 2021 بإصدار قانون الجرائم والعقوبات // <https://uaelegislation.gov.ae>
18. Federal Law by Decree Promulgating the Crimes and Penalties Law. Article 380. // <https://uaelegislation.gov.ae/en/legislations/1529>